XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING QARORI

2020 yil "9" dekabr № 131/18- sonli

Вилоятда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархларини (тарифларини) белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6074-сонли Фармонига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг VI чақириқ, XVIII сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), "Самарқанд сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти (К.Юсупов), Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Беккулов)нинг Самарқанд вилоятида ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархларини (тарифларини) белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

2. Самарқанд вилоятида 1 $м^3$ ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари - матбуот котиби (М.Мирзаев) мазкур қарорни вилоят "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев), "Овози Самарқанд" газетаси (Б.Рахмонов) билан биргаликда эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия (Ў.Саидмурадов) ва вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Э.Турдимов**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг
2020 йил “ 9 ” декабрдаги
131/41 - сонли қарорига
илова

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 1 М^3 ИЧИМЛИК СУВИ ВА ОҚОВА СУВ ХИЗМАТЛАРИ НАРХЛАРИ

Т/Р	Хизмат турлари	Истемол тури	Ўлчов бирлиги	Нархи (сўмда)
1.	Ичимлик суви	аҳоли истемолчиларига	1 м^3	1850
		бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	1 м^3	3500
2.	Оқова сув	аҳоли истемолчиларига	1 м^3	1300
		бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	1 м^3	2800

Ижрочи: Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти бош мутахассиси
А.Актамов